

ХУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНING ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**Р.Х.Қодировни Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори этиб тайинлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 9-банди ва
«Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисида»ги Қонуннинг 12-
моддасига мувофиқ;
Рашитжон Ҳамидович Қодиров Ўзбекистон Республикаси Бош проку-
рори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 18 феврал.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**У.Ч.Худойкуловни Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори вазифасидан озод қилиш
тўғрисида**

Усмон Чинозович Худойкулов Ўзбекистон Республикаси Бош прокуро-
ри вазифасидан берган аризасига биноан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 18 феврал.



Машҳур санъаткор Турғун Алиматов номи ўзбекнинг ҳар бир хонадонига таниш. Миллий санъатимизнинг жонқури, машҳур созанда ўз ишининг давомчиларини тайёрлаш ишига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Суратда: Турғун Алиматов шогирдлари билан.

Р.НУРИЕВОВ олган сурат

ҚОДИРОВ РАШИТЖОН ҲАМИДОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимида та-
йинланган Қодиров Рашитжон
Ҳамидович 1952 йил Наманган
вилоятининг Тўрақўрғон тумана-
сида туғилган. Миллати ўзбек.
1974 йил Тошкент Давлат уни-
верситетининг юридик факультети-
ни тугатганидан сўнг меҳнат
фаолиятини Андижон шаҳар
прокуратурасида иш ўрганиш
кўрсаткичи билан бошлаган.
1975 йилдан 1993 йилгача
Ўзбекистон Республикаси Миллий
хавфсизлик хизмати (аввалги
Республика Давлат хавфсизлик
қўмитаси) да турли масъул
вазифаларда фаолият кўрсатган.



да юридик фанлари номзоиди
илмий даражасини муваффақият-
ли рақиб қилган; қатор илмий-амалий
рисолалар муаллифи. Унинг Ватан ва
халқимиз олдидаги хизматлари давлати-
миз томонидан муносиб тақдирланган.
1997 йилда Р.Х.Қодиров «Жасорат» медали билан
мукофотланган.

1993 йилдан ҳозиргача Ўзбекистон
Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари.
Р.Х.Қодиров амалий тажрибаларини
илмий изланишлари билан мустаҳкамлаб,
1990 йил-

ХУРРИЯТ

МУСТАҚИМ ГАЗЕТА

МУХБИРИ Т.АКБАРОВга

МУХБИРМИСИЗ ЁКИ МИШ-МИШЧИ?

Кейинги пайларда тўртинчи ҳокимият - оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда демократияни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги роли ортди. Газета-журналлардаги, телевидение ва радиодаги ўткир, муаммолни чиқишлар халқимизнинг ўй-режаларини рўйга чиқаришда таъсирчан восита бўлиб бормоқда. Зеро, матбуот жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги энг қудратли воситадир. Айниқса, бизнинг халқимиз матбуот сўзига, журналистнинг фикрига ҳуқуқ тутади, унга ишонади. Албатта, асосли, далил-исботли, чуқур мулоҳаза, танқид қилинаётган шахс ёки объектка нисбатан одоб-андиша доирасидан чиқмаган ҳолда ёзилган мақола, танқидий мулоҳаза жамиятга фақат фойда келтириши табиий.

Бироқ шовша-шошарлик билан ёки ҳиссийётларга берилиб, асоссиз, бепасанд ишлатилган жумла, иборалар қўлланилган мақолалар обрў ҳам топмайди, эл орасида қулғу ҳам бўлади. «Хуррият» газетасининг шу йил 7-сонига эълон қилинган «Йиғлаб борсам, хўнграб чиқ-

ди!», терговчи Ғофуров ким (нима)-дан кўради: қонунданми ё раҳбаридан? сарлаҳали мақолангиз, кечирасизу, менда шундай таассурот уйғотди. Албатта, журналист қонунга мувофиқ ўз ҳуқуқлари доирасида текширишлар ўтказиш ва мақолаларни газетанда эълон қилишга ҳақли. Бирок бу дунёда ҳамма нарсанинг тошу тарозуси бўлганидек, журналист ҳам озгига келган гални ёзавермаслиги, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматида дахл қилмаслиги шарт. Од-

(Давоми 4-бетда)

ДИЛДАН АЙТИЛГАН ГАПЛАР

ҚОЗОН ҚАЙНАЯПТИ, ЧЎМИЧДА «ЖАЗ» КАМ

Нарпайликлар туманининг азалий салоҳияти, бунёдкорлик мавқенини қайта тиклаш йўлида астойдил меҳнат қилишаётир. Туманда давлатга пахта, галла, пилла ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш режаси ҳар йили вилоятда биринчилар қаторида ошиғи билан урдаланиб келинмоқда. Бунда деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ҳам салмоқли ўрни бор. Аммо ... Туманда фермерлар ҳаракатини ривожлантиришда ана шундай «аммо» га тез-тез дуч келинади. Ҳокимлик, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, фермерлар, прокуратура ходимлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати жараёнида биз тумандаги деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолияти, шунингдек, соҳа ишида ўз ечимини кутаётган баъзи муаммолар ҳусусида озми-кўпми билиб олдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан бажариш юзасидан ҳамда деҳқон ва фермер хўжалиқларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдаги ролини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси муҳим бир Қарор қабул қилган эди. «Деҳ-

қон ва фермер хўжалиқлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги бу Қарор қабул қилинганига ҳам қарийб икки йил тўлди. Ҳўш, ўтган давр мобайнида соҳа ишида қандай ўзгаришлар юз бераётди?

Дилмурод ДОНИЕВОВ, туман ҳокимининг 1-ўринбосари:
- Қабул қилинган ушбу Қарорнинг соҳани ривожлантиришдаги аҳамияти бениҳоя катта. Жумладан, унинг 10-бандида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлиги деҳқон ва фермер хўжалиқлари, уларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ривожлантиришга ҳар то-

монлама кўмаклашишлари лозимлиги белгилаб қўйилган. Бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда туманда 239 та деҳқон ва фермер хўжалиқлари мавжуд. Улар 1470 гектар майдонда меҳнат қилишади. Деҳқон ва фермер хўжалиқлари ўтган йили ўзларига бириктирилган 540 гектар ернинг ҳар гектаридан 1370 тонна ўрнига 1670 тонна пахта етиштириб, йиллик режани 122 физик микродорда бажардилар. Галла ва чорвачиликда ҳам ютуқлар кам бўлгани йўқ. Гапнинг очиги, фермерларини

(Давоми 3-бетда)

«ХУҚУҚ»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов,
Бўришо Сайфуллаев,
Ботир Пулатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исломов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи —
231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яҳё Ғуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Нашримиздан кўчириб
босилганда «Хуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси
остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II 333-MMX
компьютерда сақланган.

Саҳифалаш ва дизайн
ишларини Б.Сайдов бажарган.

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-142
Нусхаси — 23045

Босмахонага топшириш
вақти 20.00
Босмахонага
топширилди 20.00

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Навбатчи
Н.МАҲМУДОВ

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

МААДАТЛАБ МАКТУБЛАР

ЎИЕРИ ОЗОДЛИКДА ЮРИБДИ

—Сизлар менинг дардимга
қулоқ соларсизлар, ёрдам
берарсизлар деган умидда Сир-
дарё вилояти Гулистон шаҳри-
дан мактуб йўлламоқдаман.
1999 йил 31 июлдан 1 августга
ўтар кечаси уйимизда ҳеч ким
йўқлигидан фойдаланган но-
маълум шахслар эшигимизни
бузиб кириб, уйдан катта миқ-
дордаги буюмларимизни олиб
чиқиб кетишган.

Шаҳар милиция бўлими ўғрини
тола олмаганидан кейин, вилоят
ИИБга, вилоят прокуратурасига му-
рожаат қилдим. Вақтида ўғри то-
пилмади, ҳозирги кунда эса вақт
ўтиб бўлган эмиш, ўғрининг топи-
лиши гўмон экан. Мана шунча вақт-
дан бери ёрдам беришларини сўраб,
ялиниб бормаган жойим қолмади.
Икки ўртада шунча нарсани йўқотдим,
яна шикоятчи деган ном олдим.
Не-не умидларда пешона теримиз
эвазига йиллар давомида йиққан
нарсаларимизни кимдир бемалол
ўғирлаб кетса-ю, тагин озошликда
юраверса, шуниси алам қилар экан
кишига. Наҳотки, шу кичкинагина
шаҳарчада бўлган ўғирлик 6 ой
мобайнида ҳам очилмаса? **Холмда АБДУЛЛАХОНОВА.**

— Ушбу шикоят аризасини ёзишдан
мақсадим — мен 1999 йил 1
Март куни йиқилиб оёғим синиб,
қўлтиктаёқда юрибман. Ешим 72 да,
чолим 1996 йилда вафот этган.
Ўғлим йўқ, шу сабабли қизимнинг
боласи менинг қўлида. Неварам
ва кичкина қизим билан бирга тура-
миз.
1999 йилда ўғирлик туфайли уй-

имизда қозонимиз, тоғорамиз, оф-
тобаю оёқ кийимлар ўз-ўзидан йўқо-
ладиган бўлиб қолди. Майда-чуйда
нарсаларга қўл силтаб қўйиш мум-
кин, лекин сигиримиз, қўйимиз
ҳам йўқоладиган бўлди. 1999 йил 30
декабрдан 31 декабрга ўтар кечаси
молхонамнинг ичида боғловли тур-
ган сигиримиз ўғирлаб кетишди.
Байрамда икки болам билан зир

юғуриб мол қидирдим. Эрталаб соат
сақкизда милицияга хабар қилдим.
Ҳеч ким келмади. Эртасига яна ча-
қирдим, яна ҳеч ким келмади. Ўзи
уйимда бор-йўғи чолимдан қолган
битта сигирим билан битта бўзоғим
бор эди. Шунга ҳам қўп кўришди.
Менинг пенсиям билан қизимнинг
ойлиғига кун кўриб ўтирган эдик.
«Камбағални туянинг устиди ҳам ит

қопади» дегани шу экан-да. Битта
қўшимнинг ҳўкизи, яна бир пенси-
онер бобонинг ҳўкизи ўғирланди,
улар ҳам топилмади. 18 январ куни
савдо бирлашмаси раиси укасининг
уйидан бир одамнинг отини ўғир-
лаб кетишди. Отни милиция 25 ян-

вар куни Қашқадарё вилоятидан
топиб берди.

Барака топгурлар, бизнинг мо-
лимизни ҳам топиб, ўғрини жазо-
лашларига ишонса бўлармикин?

Жумагул АБДИЛАЗИЗОВА,
Музработ тумани, «Туркистон»
жамоа ҳўжалиги, 5-бўлим

ТАХРИРИЯТДАН:

Оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари «жиноятга жазе муқаррар», «жиноят содир этган шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилди» каби гапларни кўп ёзишади. Лекин айрим ҳолларда ўғирлик жиноятлари очилмай қолмоқда. Бу нимадан далолат беради? Жиноятчиларнинг жуда устаси фаранг бўлиб кетганиданми ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора ходимлари «жиноятчи шахсида юрса, биз баргидея юримиш» деган гапларга амал қилмай қўйишганиданми? Ёки уларнинг баъзилари ўз вазифаларига совуққонлик билан қарайдиган бўлиб қолишди? Бизнингча, ундай эмас. Бу ядорларда ўз ишни шераф деб билиб, юкланган вазифаларни сикқидилдан бажарувчи инсонлар жуда кўпчиликини ташкил этади. Ана шундай инсонлар Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам бор. Уйлаймики, юқориде эълон қилинган фуқароларнинг шикоятлари шундай инсонларнинг назари ва эътиборидан четда қолмайди.

ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

ТОВЛАМАЧИ БОШҚАРУВЧИ

■ Бу одам яхшигина жойда — Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани акциядорлик-тижорат «Пахта банк»ида бошқарувчи бўлиб ишлар, ўзига яраша обрўси, иззат-ҳурмати бор эди. Лекин нима бўлдию, шайтон йўлдан оздирди — нафсини бошқара олмади қолди. У хизмат вазифасини суиестемол қилиб, давлат ва жамият манфаатларига анчагина зарар етказди.

Воқеа бундай бошланган эди. Мирзаобод тумани машина-трактор парки акциядорлик жамияти ва Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани худудидаги «Обод-3» хусусий фирмаси ўртасида 1998 йил 28 май куни 7-сонли шартнома имзоланди. Унга кўра, Андижондаги фирма қишлоқ хўжалик техникалари учун 10 миллион 500 минг сўмлик эҳтиёт қисмлари етказиб бериши лозим эди. Келишувга биноан Мирзаобод туман машина-трактор парки 1998 йил 28 майдаги 266-рақамли ишонч қоғози асосида 7-сонли юк хати билан 905 минг 80 сўмлик, ўша йилнинг 13 июлдаги 368-рақамли ишонч қоғози асосида 8-сонли юк хати билан 295 минг 680 сўмлик эҳтиёт қисмлари олади ва уларнинг ҳақини тўлаш учун ўша йилнинг 29 майда тўлдирилган 36-рақамли тўлов топшириқномаси билан дастлаб 400 минг сўм пул ўтказди. Шу тариха 800700 сўмлик қарзи қолади.

1998 йил 2 декабрь куни Мирзаобод туман машина-трактор парки бош ҳисобчиси Ҳ.Пирматов туман қишлоқ хўжалик қорхоналарига кўрсатилган хизматлар учун дебиторлик қарзларини ундириб олишни ўйлаб, «Обод-3» фирмасидан қарзни узиш учун 505 минг сўмга мўлжаллаб ёзилган 84-рақамли тўловномани тўлдиради. Кейин ана шу қоғоз билан туман «Пахта банк»и бошқарувчиси К.Маматов хузурига йўл олди. Бошқарувчи эса акциядорлик жамияти ҳисоб рақамиде пул жуда оз қолгани, агар дебиторлик қарзлари йиғилиб қолса ўтказиб беражамини айтиб, тўлов топшириқномасини қолдириб кетишни маслаҳат беради. Ҳ.Пирматов бошларча гўллик қилиб, топшириқномани ташлаб кетаверади.

К.Маматов эса бу вазиятдан фойдаланиб қолиш пайида бўлади. У туман Пенсия жамғармаси ҳисоб рақамидеги пулни гайриқонуний тарзда, жамғарма раҳбарларидан сўрамай, «Пахта банк» билан Пенсия жамғармаси ўртасида тузилган шартнома шартларини бузиб, Мирзаобод машина-трактор парки давлат акциядорлик жамияти ҳисоб рақамига ўтказиш учун рақамсиз мемориал ордери расмийлаштиради ва 505 минг сўм пул ўтказди. Кейин бу пулни эски тўлов топшириқномасидаги сана ва рақамларни «1999 йил

15 январь, 1-сонли» деб ўзгартирган ҳолда «Обод-3» хусусий фирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборади.

Бу гайриқонуний ҳаракатлардан хабар толган туман Пенсия жамғармаси раҳбарияти пулни дарҳол жойига қайтариш лозимлиги, акс ҳолда тегишли идораларга арз қилажаги ҳақида огоҳлантиради. Шундан сўнг товламачи бошқарувчи Мирзаобод туман машина-трактор парки акциядорлик жамиятидан 505 минг сўмга тўлов топшириқномаси ёзиб келишни талаб этади. Ушбу жамият 1999 йил 25 апрель куни 19-сонли тўлов топшириқномаси асосида Пенсия жамғармасини пулини қайтариб беради.

Лекин мана шу товламачилик оқибадиде қанча нафақадорлар ўз пулини вақтида ололмай қолди, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилди. 505 минг сўм 70 кун мобайнида бошқа идора фойдасига ишлагани натижасиде Пенсия жамғармаси 176 минг 750 сўмлик, жами эса 681 минг 750 сўмлик зарар кўрди.

Жамиятнинг ёрдамга муҳтож тоифаси - нафақадорлар ҳақида кўз олайтириш қайси ақидага тўғри келадиди? Ахир, ўғри бул инсоф билан бўл-да!

Товламачи бошқарувчи Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми «а», «в» бандлари буйича жиноий жавобгарликка тортилди ва суд ҳукмига кўра уч йилу олти ойга озошликдан маҳрум этилди.



Раҳматилла АБДУРАСИМОВ,
Мирзаобод тумани
прокуратураси терговчиси

ХАБАРЛАР

МОТУРИДИЙГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқанд шаҳрида буюк аллома Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиғига тўйроғарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Жорий йилнинг октябр ойиғача Имом ал-Мотуридий дафни этилган «Чоқардиза» қабристониде мақбара барпо этилади, унинг атрофи ободонлаштирилиб, зиёратгоҳга олиб борадиган йўллар тартибга келтириляпти. Бундан ташқари, аллома номи билан боғлиқ обидалар таъмирланиб, тикланиш ишлари амалга ошириляпти. Шу кунларда эса турли муассаса, олий ва ўрта махсус ўқув юрталариде, моданий ётқорларда Имом ал-Мотуридий феолиятига бағишланган илмий конференциялар, ижодий кечалар ўтказилаёттир.

ЯНА «ХАММЕР»ЛАР КЕЛТИРИЛДИ

20 февралда АҚШ Ҳарбий-ҳаво кучлари самолёти мамлакатимиз пойтахтига Америка Қўшма Штатлари ҳукумати томониде юборилган яна тўртта «Хаммер» русумли автомобилни олиб келди.

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентта мазкур турдаги автомобилларнинг дастлабки қисми келтирилган эди.

Ушбу воқеа Ўзбекистон-АҚШ ҳарбий-техника соҳасиде, шу жумладан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доира-сиде ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг ёркин ифодаси бўлди.

ДИЛДАН АЙТИЛГАН ГАЛААР

ҚОЗОН ҚАЙНАЯПТИ, ЧҮМИЧДА «ЖАЗ» КАМ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)
миз шидан кўнглимиз тўх.
Абдусалом ҚАРШИЕВ, Деҳқон ва фермер хўжаликлари туман уюшмаси директори:

— Баъзи мисолларни айтсам, муболага деб ўйланган, бу бор гап. Х.Тоҳиев раҳбарлигидаги «Машҳур», Б.Эргашев раҳбарлигидаги «Тут» фермер хўжалиги аъзолари ўтган йили пахта ҳосилдорлигини 50-55 центнерга етказишга эришди. Бу белгиланган давлат буюртмаси 200-210 фоизга удалланди, деган гап. Бироқ, беш кўп баробар эмас-да. Юмалок муҳри чўнтакка уриб, ёни жон қойитмай ўтказган кўпгина ҳамкасбларимиз кузда ер чишиб қолдиши. «Суюн Бозоров» фермер хўжалиги аъзолари 1999 йилги пахта тайёрлаш режасини зўр-базўр 30 фоизга удаллашди. «Лочинараб», «Мансурбек», «Лазиз», «Бекназар бобо», «Бахт», «Олтин кўл», «Бўрон», «Хосият» сингари қатор фермер хўжалиқларининг пахтакор ва галлакорлари ҳам даромад галлирини сўвдан қуруқ кўтаришлари га тўғри келди.

Ботир бобо ҚИРОНОВ:
— Гил тўпрокли дашт ерларидан ўғлимнинг номига ер олиб, «Янги ер» фермер хўжалигини тузди. Далаларини қишлоқдан 12 километр олисда жойлашган. Гоҳида қийналиб кетсам, ўз ҳаловатимни ўйлаб қоламан. Бироқ, тиниб-тинчимаслик қонимда бор экан. Соҳ-соқолом деҳқончиликда оқарса ҳам, даласиз ўшай олмаганман.

Хар қуни эрталаб энгил машинада жамоамиз аъзоларини даштга ташийман. Кечкурун ҳам шундай. Бунинг учун қанча бензин сарфланади, инсоф билан айтишлар-чи? Кейинги тушумларини чўтлаб курсам, ҳисобимизда 500 минг сўм атрофида маблағимиз бор. Аммо, ўз пулимизга ўзимиз эга эмасмиз. На унга эҳтиёт қилсам, на ёниги бензин олишининг иложи бор. Ажратма (фонд) томонидан бир йилга ажратилган 300 литр ёниги атиги бир ойга етди, холос.

Кузда 4 гектар ерга галла уруғи селдик. Майдонлар ўзимизнинг «Белорус» тракторида қайдалди. Техникамиз эскирган. Янги баллоннинг ҳар донаси 70 минг сўм атрофида. Нақд пулга олишининг иложи йўқ. Ўз ҳисобимиздан пул ўтказиб олишга рухсат беришмаса, бу нима деган гап? Махсус ҳисобимизда «музлаб» ётган пулимиздан бизга нима фойда?

Ўғил ой ХАЛИЛОВА, Оқтош акционерлик-тижорат тadbиркор-банк бошқарувчиси:

— Молия вазирлиги қошидаги Жамгарма томонидан белгиланган маблағлар Марказий банк томонидан пешма-пеш етказиб турилибди. Ажратилган маблағлар ҳаракати ҳам қатъий назоратда. Жавобгар шахслар томонидан тўлов ҳужжатларида мақсадли тўловларнинг амалдаги босқичи кўрсатилиши шарт. Шундай экан, таъминотда фонд ажратмалари муҳим ўрин тутади.

Панжи БЕГИМҚУЛОВ, «Иқбол» фермер хўжалиги раҳбари:

— Назоратнинг кўпқирраллигига қаршилигимиз йўқ. Аммо, бу ҳолатлар бизнинг рақобатимизни кўзлаши зарур. Жамоа хўжалиқларини билмайман. Аммо, деҳқоннинг ҳеч қандай катта қарзи йўқ. Мисқоллаб тўпласанг, махсус ҳисобдаги пулимизга ўзимиз эгалик қила олмасак. Анчқ бўлса-да, яна бир гап. Ўтган йили ёз бўйи 3 гектар майдонда пахта ҳосили етиштирдик. Теримни бошлаб юборибмизки, бирор кимса биз билан шартнома тузишни ўйламайди. Ҳосилимиз, «югур-югурларимиз» ким учун деб ўйлаб қоласан киши.

Абдусалом ҚАРШИЕВ:
— Зирабулоқ «Пахта» ҳиссадор

лик жамияти билан барча деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида 1998 йил давомиде тегишли шартномалар тузилган эди. Аммо ўтган йили учун бундай шартномалар тузилмади. Охири-оқибатда фақатгина сентябр ойининг 23 кунига келиб жамият ва уюшмамиз ўртасида бундай шартномалар тузилди.

Файзулла ЎРИНОВ, Зирабулоқ «Пахта» ҳиссадорлик жамияти директори:
— Туманимиздаги фермер хўжалиқларнинг 165 таси бевосита пах-

ҳисобидан аванс пуллари вақтида етказиб берилди. Биз, фермерлар эса бунга ҳали ороқ қилаёямиз.

Эркин ШАРИПОВ, туман прокурори катта ёрдамчиси:

— Бунинг сабаблари бор. Яқинда туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил ҳосилини етиштириш учун қузғи-қишки агротехника тadbирларини маблағ билан таъминлаш чора-tadbirlari тўғрисида»-ги Қарорининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказил-

Чинакам фермер узоқ муддатга фойдаланиш учун олган ернинг амалда ҳақиқий хўжайинига айланиши керак. Тузилган шартноманинг барча шартлари деҳқон томонидан, хўжалик ва маҳаллий ҳокимият томонидан ҳам сўзсиз бажарилиши зарур. Шартнома мажбуриятларини бузган томон, албатта, қонун олдида жавоб бериши шарт. Энг муҳими, давлат қишлоқдаги мулкдорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши керак, деб ҳисоблайман.

ИСОМ ҚАРИМОВ

тачилек билан шўғулланишади. 10 гектар ва ундан ошқ майдонда деҳқончилик қилаётган барча хўжаликлар билан илб бошиданок меҳнат шартномалари тузганмиз. Қолган майд деҳқон ва фермер хўжаликлари билан уюшма орқали шартнома тузиш кўзда тутилган.

Жамиятимиз иқтисодчилари фермер хўжалиқларининг хирмонга топширган ҳосили селекция нави, тили, саноят нави, таснифи бўйича мавжуд маълумотларни уюшмага ўз вақтида етказиб беришди. Фермерлар томонидан топширилган хомашининг умумий қиймати 62087 минг сўмини ташкил этган бўлса, ушбу кунгача шундан 45052 минг сўмини уюшма ҳисоб рақамига қўйирганмиз. Қолган қарзни ҳам яқинда узамиз.

Ботир бобо ҚИРОНОВ:

— Яна бир тушунмовчилик бор. Биз ўтган йил октябр ойида теримчилик пахта ҳосилини териб олиш учун ҳар килограммига 8 сўмдан нақд пул тўладик. Аммо, завод бу оппоқ пахталаримизни ёгин-сочинга қолган бўлмаса-да, 5-навга қабул қилиб, ҳар килограммига атиги 6 сўм 85-тийиндан ҳақ тўлади. Бунинг устига транспорт харажатлари ҳам бор. Агар тўлов кўнглидагидек бўлганида, далаларимизда сара ҳосилқолиб кетмаган бўларди.

Рустам САНАЕВ, «Ойсўлув» фермер хўжалиги раҳбари:

— Чорвачилигимизда ҳам муаммолар кам эмас. Фермани 1993 йилда ташкил этганман. Қорамоллар сонини 32 бошга етказдик. Давлатга ўтган йили 2200 килограмм гўшт, 13 тонна сўт сотдик.

Молхонанинг тайини йўқ эди. Қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашиб, янги оғил қурилишини бошлаб, уни не азоблар билан битказдим. Меҳнат қилган усталару, ишчилар иш ҳақининг бир қисмини ханузгача уза олганим йўқ. Банкка бир неча бор мурожаат қилдим, лекин мумкин эмас, деган жавоб олдим. Банк тизими ва бошқа тегишли мутасадди раҳбарлар масаланинг шу каби чигал томонларини ҳам ҳисобга олишлари керак-да.

Шароф ҲАЙРИЕВ, «Зирабулоқ» фермер хўжалиги раҳбари:

— Яна бир муаммо ҳақида ҳеч ким гапирмапти. Туманимиз ҳудудидеги барча жамоа хўжалиқлари учун 2000 йилда экиладиган пахта ва галла ҳосили сарф-харажатлари

ди. Текшириш давомиде уюшма ишда бир қанча қонунбузарликлар мавжудлиги сезилиб қолди. Фалла мавсуми олдида ажратилган 2.981.825 сўм аванс пуллари текширув кунгача уюшма томонидан фермер хўжаликлари ҳисоб рақамига тушириб берилмаган. Натияжада яна фермер хўжалиқлари зиён кўрпапти. Ачинарлиси шундаки, муаллақ туриб қолган ушбу маблағларнинг асосий қисми ўтган йилнинг 30 декабрида яна жамгармага қайтариб олинган. Уюшма маъмуриятининг айби билан қолдиқ қиймат ҳисобланган 1.031100 сўм эса галлакор фермерларга тарқатилган эмас.

2000 йил пахта ҳосили учун туман фермерларига жами 3.048 минг сўм аванс пуллари ажратилган, улар ҳам вақтида ўз эгаларига тарқатиб берилмагани боис ажратманинг 2.192 минг сўми йил охирида Жамгарма ҳисобига қайтариб олинган. Фермерларимиз меҳнатини қадрлаган, бири икки бўлишини жондидан истаган раҳбар бу қадрлоқайдиликка йўл қўймайди лозим. Ушбу ҳолатлар юзасидан ҳозирги кунда туман прокуратураси томонидан текширишлар олиб бўрилмоқда.

Панжи БЕГИМҚУЛОВ:

— Ерларимизни шудкорлаш, қатор ораларига ишлов бериш, шунингдек ўрим-йғимни пайтида техниканинг қадри жуда ўтағайпти. Аксарият ҳолларда механизаторларни ёлга ишлатаямиз. Жамоа хўжалиги билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлсак, техникалари ўз юмушларидан ортмайди.

Мардон ЗАЙНИДДИНОВ, «Бобур» номли агрофирма бошқаруви раиси:

— Масалан, бизнинг агрофирмада бу муаммо аллақачон ҳал этилган. Фермерларни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Шахсан ўзим ҳудудимизда фаолият кўрсатаётган барча деҳқон ва фермер хўжалиқларида тез-тез бўлиб тураман. Зарурий техника етказиб берамиз ва бошқа қийинчиликларни ҳам ҳамжиҳатликда ҳал қилишга интилаямиз.

Туманимизда фуқаролар, айниқса, ёшларимизни иш билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Бугунги кунда ҳудудимиз қишлоқларида яшовчи юзлаб ёшлар ўз қўллари билан бунёд этган пахта тозалаш заводи, сўт маҳсулотларини қайта ишлаш заводи, консерва цехи, 2 гектар майдондаги иссиқхона, атлас цехи ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда фермер хўжалиқларида меҳнат қилишаётир.

Бозор ДОНОЕВ, «Мухтор» фермер хўжалиги раҳбари:

— Гоҳида мендан, «Фермерлик яхшими, ундан бойлик орттириш мумкинми?» деб сўраб қолишади. Ҳавас билан сўраганларни тушуниб, бундан ҳафа бўлмайман. Албатта бойиш мумкин. Аммо бунинг учун орзунинг ўзи камлик қилади. Касбини, ерни улуғлашни ва энг аввало меҳнат қилишни ўрганишимиз керак. Панжи биродарим айтганидек, меҳнатсиз туролмайман. Элнинг йилдан ошқ фаолиятини давомиде «Меҳнатнинг тағи роҳат» эканлигига кўп бора амин бўлдим. Чин дилдан киришилган иш бесапар қолмаслиги анж. Эл-юрт назарига тушиб «Меҳнат Қахрамони» унвонига сазовор бўлдим. Яратганга шукр, неки орзу қилсам, эришапман.

Дилмурод ДОНИЁРОВ:

— Иш бор жойда камчилик бўлиши мўжаррар. Буларни пешма-пеш ҳал қилиш энг аввало, раҳбар ва фермерларимизнинг интилишлари, узоқни кўра билиши ва нечоғлик тadbиркорлигига боғлиқ. Аммо камчилик бошқа-ю, локдайлик бошқа. Уюшма маъмурияти ва бошқа кўмакдош идоралар ўз раҳнамолиги остида қилинаётган ҳар бир ҳаракат ва ҳолатларни чин мураббийлик меҳри билан кузаатиб боришлари лозим.

Қайнашга-ку, деҳқон қозони қайнапти. Аммо энди унда масаллик турларини кўпайтириш ҳақида ўйлайлик.

Сухбатни Мансур АЛОВУДИНОВ олиб борди



ЖАРИМА ТўПА-ДА СЎКИНАВЕР

Перу мамлакатининг шимолий вилоятларидан бўлган Чиклоя ҳукумати ахлоқ масаласида қонун қабул қилди. Унга кўра жамоат жойларида сўқиниб гапирган, алко-голли ичимлик истеъмол қилганлар, жанжал-тўполон қилувчилар, деворлар ва тўсинларга бўёқ билан ёзиб-чизиб ташлаганлар, ҳамда зино билан шўғулланганлар учун жарима миқдорлари белгиллаб чиқилди.

Бекордан-бекорга шовқин солган кишилар учун ҳам, жамоат жойларида айтишиб қолганлар учун ҳам жарима белгиланган. Кўпчилик орасида жанжал-тўполон қилганлар учун 500 доллар, мабоде тўполончи бундай пайтда маст бўлса, роппа-роса 1000 доллар жарима тўлайди. Қонун ижросини полиция ва ички ишлар ходимлари назорат қилади.

Пойтахт мэри Мигель Бартраннинг таъкидлашича, бундан кўзланган мақсад, шаҳарнинг халқаро миқдосдаги нуфузини оширишдан иборат.

Нимо бўлгандаям, Чаклоядаги сўқонгичларга қийин бўлди.

Пулангизга ачансангиз

Бозордан чет эл фирмаси белгиси тушириб бериш буюмини сотиб олдингиз, дейлик. Бироқ ўшга буюмининг сал ўтмай яроқсиз эканлигини пайқаддингиз. Ҳа, сиз ҳақсиз. Бу қалбаки йўл билан фойда орттираётган баъзи «сохта тadbиркор»ларнинг иши.

Ҳатто ҳозирда бозорларимизнинг ўзида хоризқ фирмаларининг ёрликларини билан савдо қилувчи «уддуборун»лар ҳам топилмади. Бу ёниги энди ўзингиз билиб олаверасиз. Ҳар тугул, уларни ҳам назорат қиладиган бирор идора топилар. Ҳозирча эса, маслаҳатимиз, агар пулангизга ачинсангиз синчковроқ бўлинг.

Маълумотларга қараганда, ана шундай қалбаки маҳсулотларнинг аксарияти Хитой ва Таиланд давлатларига тегишли экан. Яқинда Бангкок полицияси ўтказган текширишларда фирма белгилари сохталаштирилган мингглаб қалбаки кўл соатлари аниқланиб, йўқ қилинди. Кейинги пайтларда мамлакатда қалбаки соатлар, компакт-дисклар ва видео кассеталар ишлаб чиқариш ҳалдан ташқари ўсиб бораётгани ҳукуматни ташвишга солмоқда.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Фермерлик ҳаракати турмушимизга ўз-ўзидан кириб келаётгани йўқ. Мухтарам Президентимиз иккинчи қаҳирлик ҳалқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг 1-сессиясида сўзлаган нутқида деҳқонларимиз ҳосаси оқаришида тўғанок бўлиб келаётган қатор муаммолар ва сансалорликлар ҳусусида бекорга алоҳида тўхталиб ўтмаган эдилар. Юқоридаги давра суҳбатиде ҳам шундай муаммоларнинг айримлари ҳолис айтилди. Асосий мақсад фермерликни ривожлантириш, деҳқонда ерга ҳақиқий эгалик ҳиссини ва меҳнатга рағбат уйғотишдир. Нарпай туман ҳокимлиги мазкур мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган чора-tadbirlar ҳақида жавоб йўллайдилар деган умиддамиз.

ЖУРНИЯТ

МУСТАҚИМ ГАЗЕТА

МУХБИРИ Т.АКБАРОВ²га

МУХБИРМИСИЗ ЁКИ МИШ-МИШЧИ?

(Бошланғичи 1-бетда)

дий фуқароми ёки масъул раҳбарми, бирор соҳа ёки идорами, улар ҳақидаги бозорда, кўча-кўйда, улфатчиликда айтилган миш-мишларни обрўли газетда эълон қилиб юборавериш журналист этикасига тўғри келармикан?

Келинг, гапни бошидан бошлайлик. Шу йил феврал ойининг 7 ёки 8 кунлари, аниқ эсимда йўқ, Тошкентдан менга кўнғироқ қилдингиз ва мен кўрган бир жиноий иш бўйича суҳбатлашиш, зарур ҳужжатлар билан танишиш ниятингиз борлигини айтдингиз. Мен рози бўлдим. Орадан икки кун ўтгач, иш вақти тугаб (соат кечкурунги 19.30 эди) кетишга чоғланиб турган эдим, пастанда милиционер кўнғироқ қилиб, Тошкентдан журналистлар келганини айтиди. Гарчи иш вақтим тугагани, сизни қабул қилмасликка ҳаққим бўлса-да, олисдан келганингизни ҳисобга олиб, қабул қилдим. Бу пайтда раҳбарларимиз кетишган, идорада ҳеч ким қолмаганди. Сиз ўзингиз билан кирган одамни таништирмадингиз ва мақсадга ўтиб, «Сиз тергов қилган «дело» бўйича суд ҳукми чиқарган. Бинобарин, кечаги фикрингиз бугун ўзгариб қолгани йўқ. Суҳбат қилсан», деддингиз.

Лекин мен журналист билан суҳбат ўтказиш ёки ҳужжат тақдим этишдан аввал бу ҳақда раҳбариятни хабардор қилиш лозимлигини айтдим. Ҳар бир идоранинг ўз ички тартиб-интизоми бўлади. Уйлайманки, сизнинг идорангизда ҳам шундай тартиб-интизом мавжуд. Ахир, мақолангиз бошида бошлигингиз билан шу хусусда маслаҳатлашганингиз ҳамда у кишининг руҳсати ва топшириқидан сўнг мен билан учрашишга олтанганингизни ёзгансиз-ку. Ажабо, мен билан учрашувга сиз бошлиқ руҳсати билан келган бўлсангиз, нечук мен сиз билан суҳбатлашадан аввал бошлиқ билан маслаҳатлашиб олмаслигини керак?

Қани бунда мантик? Албатта, «Хуррият» жиддий газета. Лекин Фаргона вилоят прокуратураси ҳам ўзига яраша жиддий идора. Бу ерда инсонлар тақдирини ҳал этилади. Ҳар қандай терговчи ёки ходимнинг оғзидан чиққан бир оғиз асоссиз фикр ёки нотўғри ошкор қилинган ҳужжат тергов, судлов ишига жуда катта путур етказиши мумкин. Шу боис ҳам матбуотга фикр билдиришдан аввал бизнинг етти ўлчаб, бир кесимишимиз тайин. Агар сиз Тошкентдан жойдан шу маълумотларга аниқлик киритиш учун келган экансиз, нега эртаси раҳбарларимиз билан учрашиб, мен билан суҳбатлашиб, ҳужжатлар билан танишиб, масалага ойдинлик киритиш имконини изламадингиз? Ёки сизга бунинг фарқи йўқмиди? Натijaда мақолада ёзганингиздек, «билганингизни қилгансиз», яъни палата партизи, миш-мишу тахминларга таянган битигинингизни газетда

эълон қилгансиз...

Мақола бошдан-оёқ асоссиз, аллақандай шубҳа-ю тахминлар қоршимасидан иборат. Гўёки сафар олдидан қиллардир сизни оғохлантирган, хайрихоҳларингиз «терговчи чўнтак-пўнтакка наша ташлаб, тиқиб қўямасин» дея кўрқитишган. Лекин сиз бошлигингиз айтганидек, ҳақиқий «тойчоқ», кўркмас одам экансиз-ки, шунча «ваҳима, хавф-хатарга» қарамай Фарғонага келишга журъат этибсиз. Э, юрагингизга балли, «жасур журналист»!

Авалло, прокуратура терговчиси шунчаки виждонсизликка қўл уриши ҳақида бирон-бир палид сизга шипшиган бўлса шипшигандир. Бироқ шу қабих тухматни газетга олиб чиқишдан мақсад нима эди? Мақолада «Гофуров миш-мишларга қараганда, айна бизни қизиқтирган «дело»-ни тергов қилганидан сўнг бошлиқ бўлиб кўтарилганмиш...» дея ўқувчининг қулоғига яна миш-миш илмасиз. Мен прокуратура идораларида ўн йилдан буён меҳнат қиламан. Анча йиллар тўман, шаҳар прокуратураларида терговчи, вилоят прокуратурасида катта терговчи, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи вазифаларида ишлаганман. Сиз айтган «дело»-ларнинг ўнлаб, балки юзлабини кўрганман, ундай «дело»-дан аллақанча мураккаб, оғир «дело»-лар тайёрлаб оидил судловга чиқарганман. Агар битта «дело»ни кўрибюқ прокуратурада амал олиш мумкин деб ўйласангиз, жуда катта хато қиласиз. Бу навбатдаги миш-мишингизни битта менга эмас, балки прокуратура органларида меҳнат қилаётган юзлаб, минглаб ўз ишининг билимдонини, жиноятчиликка қарши курашни умри маъмулга айлантирган, ҳалол ходимларга ҳам отилган тухмат тоши деб ҳисоблайман.

Шалалоқдек мақолангизда такрор ва такрор «миш-мишларга қараганда», «турфа хил миш-мишларга аниқлик киритиш», «тергов қилган иши юзасидан узук-юлук гап-сўзлар», «бировнинг тағдидаги машинаси ёки қасрмонанд уйи ҳақидаги миш-мишлар» каби тағи пуч, чой-ноҳадаги ғийбатсизимен ибораларни ишлатганисиз, одам ҳайрон қолади. Бу нима? Жиддий журналист фикрими ёки кўча гапими? Сиз шу миш-мишларни газета саҳифасига олиб чиқиб, ўзингиз ҳам ростманга миш-мишларга айлиб қолганингизни аниқлаб етасизми? Мухбиримиз ёки миш-мишчи? Газетангиз эса далил-исботларга асосланган, қилиш-пукта материаллар эълон қилинган нашрими ёки миш-мишхонами? Мақолангиз якунини қора харфларда, алоҳида бўрттириб ёзгансизки, гўё Фарғонадан қайтиш чоғингизда аллақандай номаълум дўстингиз қол-қора «Нексия»да келиб, яна бир дўстингизга шипшибдики, «Турсунали эҳтиёт бўлсин,

унга нисбатан баъзи қизлар ёрдамда «провакация» уюштирилмоқчи. Айтинглр, Тошкентга ёлғиз кетмасин. «Провакация» ташкилотчиси аниқ ким - ҳозирча номаълум...»

Бу дийдёнгиғизни ўқиб, кулгим кистади. Бир латифа ёдимга тушди. Қоп-қоронгу хилват ўрмон ичидаги йўлдан бир қари қиз кетаётган экан, орқасидан аллақандай шубҳали эркак тушибди. Қари қиз дарракт остида тўхтабди. Ҳалиги эркак эса бепарво унинг ёнидан ўтиб кетибди. Шунда қари қиз эркак ортдан «Хой яшшамагур муттаҳан, юзисиз, мени шунча овра қилдинг-а», дея бақириб қолган экан...

Сизнинг хавотирингиз ҳам ўша қари қизнинг «хавотирига» ўхшаб қолибди.

Сиз журналистнинг ахборот олиш ҳуқуқи қонунда қаролатилган-ку, дея ўқинасиз. Аммо «Ахборот олиш қонунлари ва эркинликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 6-моддасида очик-ойдин қилиб «Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўраётган ахборотга эга бўлмаса, мурожаат этувчига бу ҳақда сўров олинган санадан бошлаб етти кундан кечиктирмай маълум қилиши, шунингдек имкониятига қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг номи маълум қилиши шарт» дея ёзиб қўйилган-ку! Иш вақти тугагандан бир ярим соат кейин қабул-маълум қилган одам билан суҳбатлашув ёки ҳужжат тақдим қилишдан воз кечимини менинг фуқаролик ҳуқуқим эмасми?

Уйнаб ёзсанг ҳам, ўйлаб ёз, дейдилар. Бу айнқиса, сиздай журналистлар учун қатъий қонун бўлиб қолиши керак. Акс ҳолда биз ҳурмат қилган журналист амалда жўн, олдид миш-мишчига, нашр эса «миш-миш-миш»ларга айлиб қолиши ҳеч гап эмас. Дарвоқе, мақолангизда газета тиражи хусусида ҳам қиздириб ўтилган. Сиздан кейин қизиқиб, газетанинг неча нусха чиқишини суриштирдим. Сиз «9 минг нусха» деган эдингиз. Афсуски, ўз газетангиз тиражи ҳақида ҳам тахмин, «миш-миш»га таяниб гапирган экансиз. Газетангизга 2000 йил учун мамлакат бўйича 711 киши обунга бўлган экан, ҳолос. Агар шундай «миш-миш»лар асосида ёзаверсангиз, тираж ошуви даргумонлиги, шубҳасиз. Зеро, ҳалқимиз ҳақ сўзини, асосли фикрини, тўғри танқидни қадрлайди. Ани шундай нашрларни ўқийди. Буни асло ёддан чиқарманглр!

**Хурмат билан
Эркин ГОФУРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси
ташкил қилмасидаги фаолиятда
коррупция, талон-тароз ва бошқа
суиистеъмолчиликларга қарши
кураш бўлими бошлиғи**

ЭСИЗ, ЙИГИТ!

ЎЗБОШИМЧАЛИК ЖИНОЯТГА БОШЛАДИ

Ўзбошимчалик, мамнанлик ҳеч қачон яхшилик келтирмаган. Аммо оқибатни ўйламайдиган ўзбошимча ёшлар, афсуски, бугунги кунда ҳам учраб туради. Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташи лозим бўлган муддатли чақирув хизматидаги аскарлар орасида бундай қимсаларнинг олданда бўлса-да, учраб туриши, айниқса ачинарлидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг озод юртимиз тинчлиги йўлида хизмат қилиш, Ватан ҳимоясида шай туриш ҳақиқий шарафга айланди. Давлатимиз аскарларимиз учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда, лекин айрим ёшлар бундай имкониятларнинг қадрига етмай, ота-онаси, маҳалласи, таълим олган мактабига обрў ўрнига иснод келтирмоқда. Бундай ноҳўя ишларга қўл уришининг сабабларини синчиқлаб ўрганган экансиз, улар асосан масъулиятсизлик, йигитлик, фуқаролик бурчига лоқайд қараш, онгсизлик асосида содир этилганга икром бўласиз. Келинг, яхшиси, ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган бир жиноят мисолида фикримизни давом эттирайлик.

Жаҳонгир Абдураимов 1998 йил апрел ойида ҳарбий хизматга қақирлади. Ҳарбий хизматни Н-қисмда ўтай бошлади. Хизмат даврида ўз бошлиқларидан берухсат, ўзбошимчалик билан ҳарбий бўлимни ташлаб кетишни одат қилади. Хусусан, у 1998 йил 24 ноябр кунини ўзбошимчалик билан ҳарбий бўлимни ташлаб чиқиб кетади ва ўша йилнинг 2 декабрига Тошкент вилоятида яшовчи ота-онасининг ёнида юради. 2 декабр кунини отаси уни ҳарбий бўлимга олиб келиб қўяди.

Аммо, Жаҳонгир жаҳоздан тегишлича хулоса чиқариб олмади. У аввалги қилмишларига тавба қилганида эди, эҳтимол, ҳаётида юз берган кейинги кўргуликларга дучор бўлмас эди.

Бу жиноят яна ўзбошимчаликдан бошланди. Жаҳонгир 1998 йил 24 декабр кунини кечки пайт яна ҳарбий бўлимни тарк этади.

Ж.Абдураимов Самарқанд шаҳрига келиб илож қилиб етиб келади. Бир кеча-кундуз Самарқанд кўчаларида тентираб юради. Охири манзилига қайтиб кетиш учун такси ёллади. У машина ҳайдовчиси Рофе Ганиевни «Каттақўрғонга бориб, шивит олиб келамиз», деб алдайди. Машина 26 декабр кунини ярим тунда хизмат жойига етиб келади. Қочоқ аскар энди ҳайдовчидан қандай қутулиш ҳақида ўйлаб бошлайди. Чунки унга 3000 сўм бераман, деб ваъда қилган эди-да! У ҳайдовчини чалғитиш мақсадида «Шивит сотадиган одамнинг уйини эсимдан чиқариб қўйдим, ҳозир топа-миз», деб ўзича қочиб режасини туза бошлайди. Ниҳоят, машина эшигини очаддио ўзини ерга отиб, қочади. У панжарадан ўтаётганда ҳайдовчи етиб келиб, тутиб қоламоқчи бўлади. Жаҳонгир эса жонқолатда отилиб, панжарадан ўтиб кетади, ҳайдовчи ҳам панжара орасидан ўтаётганда, ерда ётган темир қувурни олиб, унинг бошига уради. Р.Ганиев панжара ортига йиқилиб тушади. Қочоқ аскар қўзилиб ётган ҳайдовчининг тепасига келади. Жон ширин эмасми, Р.Ганиев бор кучини тўплаб ўрнидан туради ва жиноятчининг ўнг қўл панжарасидан ўртанча бармоғини тишлайди. Қўтуриб кетган жиноятчи эса, қўлидаги темир қувур билан унинг дуч келган жойига ураверади. Р.Ганиев ўша жойнинг ўзидек жон беради.

Жиноятчи машинани ҳайдаб кетишга ҳаракат қилади, лекин иложини топа олмади. Шундан сўнг унинг аккумуляторини, магнитофонини ечиб олади, машинадаги куртка, 2000 сўм пул, ҳайдовчилик гувоҳномаси, жами 16500 сўмлик буюмини ўмаради. У ҳатто ўлиб ётган ҳайдовчининг оёғидаги туфлисини ечиб олишдан ҳам ҳазар қилмайди.

Жиноятчи машинадан ўмарган аккумуляторни харидор топиб пуллади. Ниҳоят, 28 декабр кунини ота-онасига телефон қилиб, «мени ҳеч ким сўраб келмадими?» деб сўрайди, хотиржам бўлгач уйига қараб йўл олади.

Лекин қўл ўтмай у қўлга олинди. Суд жараёнида Ж.Абдураимов томонидан содир этилган жиноят исботланди. У Жиноят Кодексининг бир неча моддалари бўйича айбдор деб топилди ва 16 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Одил суд ўз ҳукмини чиқарди, жиноятчи қилмишига яраша жазоланди. Бундай қараганда, ҳақиқат қарор топгандек, лекин бемаврид ҳаётдан кўз юрган бир инсонни ҳаётга қайтариб бўладими?

Бизни ўйлантирадиган, ташвишлантирадиган, қўнғимизга тинчлик бермайдиган яна бир масала бор: Ватани, ҳалқи ҳимояси йўлида ҳалол хизмат қилиши зарур бўлган бир йигит нега айна балоғат ёшида жиноят қўчасига кириб кетди? Бунда ота-онанинг, маҳалла-қўйнинг, жамоатчиликнинг айби йўқми?

Ж.Абдураимов биринчи бор ҳарбий жамоасини ташлаб чиқиб кетган пайтда ота-онаси бундан хабардор эди. Нега улар «Ўғлим, иккинчи бундай қилма, бизнинг юзимизни ерга қаратма», - деб насаҳат қилишмади?

Бундай ноҳўя воқеа барча ота-оналарга, айниқса ёшларга сабоқ бўлиши лозим.

Дунёда ҳалққа, Ватанга хизмат қилишдан ортиқроқ саодат йўқ. Шундай экан, ҳар бир йигит Ватани олдидаги бурчини шараф билан адо этиши лозим.

**И.ЗОИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокуратураси бошқарма бошлиғи,
адлия катта лейтенанти**

СУҲ СЕНГА!

ҶАММА ҶАМ БУ НОМГА МУНОСИБМИ?



Тўлқин Оллобердиевич
Тиллаев.

1963 йилда Сирдарё вилоятида туғилган. 1990 йилги ТошДунинг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. 1991 йилдан прокуратура тизимида хизмат қилиб келади. 1997 йилдан Янгийўл туман прокурори ўринбосари. Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

онасиникига кетишга мажбур бўлди. 1999 йил 25 феврал. 1946 йилда туғилган, Жиззах вилояти Дўстлик туманида яшовчи Розия Ҳайдарова бу кун ҳаётидаги энг сўнги кун эканлигини билганмикин? Албатта билмаган, одамзот бунга қодир эмас. Лекин ўлимдан ўлимнинг фарқи бор. Биз билмаган ҳикмати ҳам бор...

Уша кунни эрталаб Д.Эрматов хотинини қайтариб олиб келиш мақсадида уйдан чиқади. Тошкент шаҳридаги «Қўйлик» бозорига келиб спиртли ичимлик истеъмол қилади. Кечки соат 5 ларда йўловчи машинада Янгийўл тумани, «Эски Қовунчи» жамоа ҳўжалиги «Ўзбекистон» кўчасидаги 11-уйга, қайночасининг хонадонига келади. Уйда турмуш ўртоғи Ҳ.Мухаммедованинг йўқлигини кўриб, қайнисини - 1982 йилда туғилган И.Мухаммедовга «опангни топиб берасан» деб жанжал қилиб, уни мажбурлаб кўчага олиб чиқиб, халқа йўлига келишади.

И.Мухаммедов поччасини «опам Тошкентга иши билан кетган» деб алдagan эди. Мунозара қилиб турганларида, Янгийўлдаги қизиникига меҳмон бўлиб бораётган Розия Ҳайдарова уларнинг ёнига келиб «Янгийўл» шаҳрига автобус бўлади-ми?» деб сўрайди. Унинг мусофир-

лигини билган Д.Эрматов ёнидан пичоқ чиқариб Р.Ҳайдарованинг бўйнига тираб, уни йўл четига ётган бетон-блоқлар орқасига судраб олиб ўтади. И.Мухаммедов поччасига кўмаклашади. У ерда икковлон куч ишлатиб Р.Ҳайдарованинг номусини бўлғайдилади. Бу ҳам етмагандек қиймати 201 минг сўм бўлган тилла занжирини, тилла узугини, сиргаларини тортиб оладилар. Р.Ҳайдарованинг «сизларни милиция ходимларига айтиб бераман» дея қочишга ҳаракат қилганлиги бошига бало бўлади. Д.Эрматов Р.Ҳайдаровани қувиб етиб, йиқитиб, бўйин ва кўксига бир неча марта пичоқ уради... Шундан сўнг иккаласи ҳам воқеа жойидан яширинади-лар.

Терговда И.Мухаммедов поччасидан кўрқиб бу ишда унга кўмаклашганини айтиди. Нима бўлганда ҳам Д.Эрматов ва И.Мухаммедов оғир жиноят содир эттишган. Уларнинг қилмиши рад этиб бўлмайдиган далиллар ва гувоҳларнинг қўрсатмалари билан фош этилиб, суд айбдорларга тегишли жазо тайинлади.

Тўлқин ТИЛЛАЕВ,
Янгийўл туман прокурори
ўринбосари,
1-даражали ҳуқуқшунос

МАҲАММАДОШҲААР, ҚАЁҚҚА ҚАРАДИНГИЗ?!

АВЖИДА УЗИЛГАН ҚЎШИК

Суд залига келган Қосимжоннинг ота-онаси, танишлари, дўстлари қаттиқ қайғуга ботишиб, «Эҳ, Қосимжон» дея бош ирғаб «ух» тортишди. Панжара ортида ўтирган Қосимжон ўтирганларнинг юзига тик қарай олмади. Сабаби, у 25 ёшида «қотил» деган тамгани олди.

Қосимжон «Оқ олтин» туманидаги пахта тозалаш заводидида оддий ишчи бўлиб ишларди. Жамоада ҳам ўзига яраша обрўси бор эди. Аммо, тўй-ҳашамларда озгина ичиб олса жанжалга суяги йўқлардан эди. Кўпчилик дўстлари унинг ичиб олганини билса яқинига йўламасди. Сабаби бирон баҳонани топиб ҳамсуҳбатлари билан жиққамушт бўларди-да.

...Ўтган йилнинг 29 август куни тахминан соат 17.00 ларда Қосимжон ўзининг шишадошлари билан Содиков номли деҳқон-фермер ҳўжаликлар бирлашмаси ёнида жойлашган тижорат дўкони ёнида йиғилишди. Одатдагидай Жаҳонгир Матқобулов, Фарҳод Хусайнов, Хусниддин Мамажоновлар чўнтақларида борини ўртага ташлаб, уфатчиликни бошлашди. Уфатлар битта «аримта»нинг бошини «қайириб» бўлишганда кутилмаганда танишлари Шерзод Мўминов маст ҳолда уфат қидириб келиб қолди. Саф кенгайди. Яна уфатлар бир-бирига омад тилаб қадаҳ кўтаришди. Кайфи зўрлигидан Шерзод эски ашулашони бошлаб қолди.

«Қарғалар учса қарайлик,
Марғилоннинг йўлига...»

Шерзоднинг ашуласи нимагадир Қосимжонга ёқмади. - Овозингни ўчир! Шу пайт қарғаларга бало борми? - ўшқирди у.

- Хоҳласам, бундан ҳам баланд овозда куйлашим мумкин, - дея гўлдиради Шерзод.

- Сен ким билан гаплашаётганингни биласанми, - яна ўшқирди Қосимжон.

Шерзод эса яна ашула айтишга тушди. Шу пайт қулоғи тағига тушган мушт энди авжига чиқаётган қўшиқни бўлиб қўйди. Қосимжон арокнинг кучи билан «Мен сенга қўшиқ айтишни ўргатиб қўяман», дея Шерзодга ташланди. Мирзохид билан Жаҳонгир уни ажратмоқчи бўлди. Бироқ ўзини йўқотган Қосимжон улфатларининг қўлидан чиқиб, Шерзодни йиқитиб, унинг юз-кўзи аралаш кетма-кет тепа бошлади. Озги-бурни қонга беланган Шерзод кўп ўтмай жимиб қолди.

Суд тиббий экспертизасининг 1999 йил 15 сентябр кунги 34-сонли ҳулосасига кўра, фуқаро Ш.Мўминовнинг ўлимига ўнг томонидан 3-қовурғаси синганлиги ва жигарининг ёрилиши сабаб бўлган.

Анчик ароқ икки оилага фожеа келтирди. Шерзоднинг оиласидагилар ўз жигаридан бир умрга айрилган бўлса, Қосимжоннинг уйдагилар эса «қотил» оталари билан 16 йилга хайрлашишди. Ушбу фожеани ёзиб кимларнингдир дилини хуфтон қилмоқчи эмасмиз. Мақсадимиз ароққа муккасидан кетганларни яна бир бор огоҳ қилиш. Ичкилик ҳеч қачон яхшиликка етакламаган.

Алишер ҲАЙТОВ,
Республика прокуратурасининг судларда
жиноят ишлари кўрилушида прокурор
ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурори.

АЖАБ ХАНГОМАЛАР

ТУЯ ГЎШТИДАН ҚЎЛБОСТИ

ЁКИ АНТИҚА БИР ЖИНОЯТ ТАРИХИ

турибди-да, бормасак бўлмаймики, - ялингансимон сўради Маҳмуд. - Ўзларинг биласанлар, менга деса ботиб кетмайсизларми шу қарзларингга, яна процентга олгансизлар-а?!

- Майли, майли, борсак бордик-да, Камолиддиннинг гапини Каримбой қувватлаган бўлди.

Уч ўртоқ келишгандек ўзларига тегишли машинада Беруний туманига қарашли Қизилқум этақларига, яъни «Аёз қалъа» кўли томон ов қилиш баҳонасида йўлга чиқибди. Уларнинг бу ерларга биринчи келишлари эмас эди. Бир неча бор «Аёз қалъа» кўлидан ноқонуний балик овлашган. Йўллар таниш, чўл «об - ҳаво»сини яхши билишади.

Камолиддин машинасини шамолдек елдириб бораркан, «ишқилиб» «ови»-миз бароридан келсинда», деган ўй-хаёл миясида чархдек айланарди.

Улар манзилга етиб келишди. Не-не воқеалар гувоҳи бўлган чўл

ястаниб ётибди. Бир томонда «Аёз қалъа» кўли адоғсиздай кўринади. Қушларнинг гала-гала бўлиб у ёқ - бу ёқларга учиб, чўгур-чўгур қилиш-ларни эса одамларга «огоҳ бўлинг» деяётгандек туюлади. Сал нарироқда туялар ўтлаб юришибди.

- Хайрият, атрофда ҳеч ким йўқ экан, - хурсанд бўлишди «овчи»лар. - Жуда вақтида келибмиз, - шерикларининг гапини маъқуладди Каримбой.

Тушлик пайт. Туяқашлар ҳам тушликка чиқибганми ёки туяларининг ҳар қуни ўзлари ўтлаб, кечқурунлари уяларига қайтиб бориш одатлари бўлгани учунми кўринишмайди. Бу ҳолат «овчи» биродарларга жуда кўл келди.

- Вақт зик, ишга киришайлик, - Камолиддин уқаси Эргашга тегишли 12 қабилриги милиқчи оларкан, ҳамтовқиларига юзланди.

- Тўғри, тўғри, шўшилиш керак, - бош ирғашди «овчи»лар.

Хуллас, устамон «овчи»лар фу-

қаро Қазмаханов Жумабойга тегишли бўлган 7 бош туяни бир зумда ерт тишлатишди. Ҳаш-паш дегунча уларнинг терисини шилиб, гўшларини машинага ортишди.

- Тезроқ кетайлик, - нимадир бўлдидагидай хавотирланарди Маҳмуд.

- «Овчи»лар шоша-пиша йўлга чиқибди.

Улар бирпасда Беруний шаҳрида пайдо бўлишди. Ўғирлар қилган ишларининг жиноят эканлигини яхши билсалар-да, одат бўлиб қолганидани, ҳеч нарса кўрмагандай тўғри Беруний Тўтинув ағросаноат хиссодорлик жамияти қолбаса цехига келдилар.

Цех мудири Холбой Мамбетов ҳам уларга маҳтал бўлиб турган эканими, бу гўшт ветеринария кўригидан ўтганми - йўқми, тегишли рухсатнома борми-йўқми демасдан «овчи»оғайниларига 200 минг сўм пулни наҳд бериб юборди. Лекин у туя гўштидан қўлбости тайёрлашга

улгурмади.

«Бузоқнинг югургани сомонхонагача», деганларидек, «овчи»лар қувончи узоққа чўзилмади. Хуққини муҳофаза қилиш органи ходимлари томонидан ўғирлик тезда фош этилди.

Ушбу жиноят иши Беруний туман судида кўриб чиқилди. Суд устамон «овчи»лар томонидан фуқаро Қазмаханов Жумабойга 820 минг сўмлик зарар етказилганлигини маълум қилди.

Судланувчи Бобожонов Камолиддин Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан 13 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, мол-мулк мусодара этилди.

Камолиддиннинг шериклари ҳам - муқаррар жазодан бенасиб қолмадилар. Бобониезов Маҳмуд 12 йилга, Жуманиёзов Каримбой 10 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Судланувчи Бобожонов Эргаш эса олдин судланмаганлиги, оиласи, икки нафар фарзанди борлиги, айбига тўқир ўқор бўлганлиги инобатга олиниб, 2 йилга шартли жазога ҳукми қилинди.

Қолбаса цехи мудири Холбой Мамбетовга нисбатан эса хусусий ажрим чиқарилди.

Зафаржон РАДЖАБОВ,
Беруний туман прокурори катта ёрдамчиси,
Нуриддин ОКНАЗАРОВ,
журналист

Беруний туман судида галати иш кўриб чиқилди. Галати дейишимиз боиси бундай жиноят ишлар суд амалиётида камдан-кам учрайди.

Кимдир овчилик қилади. Эрта тонгдан оилам, бола-чақам деб елиб-югуради. Баъзи бировлар эса кеча-кундуз «овчи»-ликни қора ниёлари йўлида амалга ошириш пайида бўладилар. Эл-юрт учун хайри иш қилиш ўрнига одамларга зиён-заҳмат етказишга интиладилар.

Келинг, яхшиши воқеани бир бошдан гапириб берайлик...

... 1999 йилнинг 3 ноябр кунини эди. Ҳаво очик, Ҳамма кузги хосилни йиғиштириб олиш билан банд. Ҳатто қорвадорлар ҳам киш гамида тиним билишмайди. Шундай кунларнинг бирисида одатдагидек уч ўртоқ яна пинҳона учрашишди. - Кетдикми? - деди Камолиддин ўртоқларига юзланиб.

... - Нима жимсизлар, кўрқок бўлиб қолдингларми? - яна сўради у.

- Йў-ўқ, лекин, ахир... бу ишимиз анчайин «ов»лардан эмас, ташлаб қонсанг, - деди Маҳмуд.

- Нима бўлмаса, ётаверасанларми? Гарданларингга қарзларинг турибди-я, - ўртоқларининг гапини оғиздан чикмасдан «юлиб» олди Камолиддин.

- Шу оёқ қургур сал тортмайроқ

БОЖХОНА САРҲАДЛАРИДА**РАНГЛИ МЕТАЛЛ — МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ**

«Шоли қурмакисиз бўлмайдми» деганларидек, кўрилатган чора тадбирларга қарамадан, афсуски, халқ мулкини четга олиб чиқишга уринаётган ҳамюртларимиз ҳамон ўчраб турибди.

Новий вилоятнинг «Беҳрабод» назорат маскани томон келатган давлат рақами 41-13 СНМ КаМАЗ русумли автомашина ўз поstda сергак турган ДАН ходимлари-милиция сержанти Баҳодир Султонов ва взвод сардори Баҳриддин Ҳалимовларда шубҳа уйғотди. Автомашина Самарқанд вилоятининг 19-хўжалик ҳисобидаги автотранспорт паркига қарашли эканлиги маълум бўлди. Самарқанд туманининг «Ғалаба» жамоа хўжалиги 5-бригадасида истиқомат қилувчи уддабурон ҳайдовчи Жамшид Олимов машина юкхонасига гурuch ортилганлигини айтди. ДАН ходимлари машина юкхонасини кўздан кечирганда гурuch остига 120 минг сўмлик 1 тонна мис, 2 тонна алюмин ортилгани, улар бу юкни Қозғоғистон Республикасига олиб кетаётганлиги аниқ бўлди. Аини пайтда ушбу иш юзасидан суруштирив ишлари олиб борилаяпти.

ЗИЛ русумли, давлат рақами 20А 20-68 бўлган машина юкхонаси ҳам бир қарашда пивэ билан лик тўла кўринди. Унинг ости текшириб кўрилганда эса 3451 кг. алюмин симлари, 345 кг. мис борлиги аниқ бўлди. Рангли металл шайдолари, ромитанлик Хайрулло Ҳожиёв ҳамда Жамол Тўрақуловлар халқнинг нафратидан ҳам кўркмайдиган кимсалардан бўлиб чиқди. Акс ҳолда, қайсидир кишлоққа нур келтириб турган мана бу алюмин симларни қирқиб олишмасди. Ахир уларнинг бу қилмишлари туйғайли қанча-қанча хонадонлар электр чироғидан маҳрум қилиб, фаровон турмушига раҳна солинганидан қандай кўз юмиш мумкин?!

Уларнинг нафсларини халқнинг манфаатидан устун қўйган бундай кимсалар қилмишларига яраша жазоланишлари табиий. Рангли металл тоатиш «касали»га мубтало бўлган айрим кимсалар йўловчи сотиш автобусларида ҳам рангли металлларни Қозғоғистон Республикасига олиб кетишга уринашптилар. Бухоро - Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланаётган Икарус 255 русумли 20В 86-38 давлат рақамли автобусда эса қорақўллик йўловчилар Маҳмуд Субхонқулов, Муҳиддин Сувонов, Абдумажид Тошқулов, Музаффар Шодиевлар 2800 кг. рангли металлни қўшни Қозғоғистонга олиб чиқиб кетаётганда вилоят ДАН ходимлари томонидан ушлаб қолинди, уларнинг сафарларига шу ерда яқун ясалди.

Вилоят Давлат автомобил назорати томонидан шу йилнинг дастлабки ойида 25 та ана шундай ҳолат аниқланди, 15 тоннага яқин-ярим миллион сўмлик рангли металлнинг четга чиқиб кетилишининг олди олинди. Рангли металл ишқибозларидан жарималар ундирилиб, олиб кетаётган моллари давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Ислом ХУДОЙКУЛОВ,
Новий вилоят

ЎЗ УЙИНИНГИ ЎЗИНГ АСРА

ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИГА КЎМАҚДОШ БЎЛАЙЛИК

■ Андижон шаҳар прокуратураси жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида ички ишлар бўлими ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда ҳамда ҳокимлик билан тузилган режа асосида бир қанча амалий тадбирлар ўтказмоқда.
■ Кейинги вақтларда маҳаллаларимизда рўй бераётган воқеалар барчамизни ташвишга солаётганлиги сир эмас. Ўтган йилги февраль воқеалари бунга мисол бўла олади.

Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан «Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари хузурида яраштириш комиссиялари тузилди.

Маҳалла посбонлигига онгли равишда Ватан ва халқ манфаатлари йўлида хизмат қиладиган, жисмоний ва маънавий соғлом, пок, аймон-эътиқодли, юксак инсоний ва ахлоқий фазилятларга эга бўлган кишилар қабул қилинади.

Маҳалла посбонлари жиноятчиликнинг олдини олишда, жиноятларни очишда хуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг энг яқин кўмакчиларидир. Уларнинг бошқариш фуқаролар йиғинлари раислари билан тенг миқдорда маош олишади.

Энди улар маҳаллада хуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, паспорт режими-га амал қилинишини текшириш, турли диний-экстремистик ғояларни тарқатувчи, ноқонуний диний таълим берувчи, конституциявий тузумга қарши турли бўхтонлар тарқатувчи шахсларга қарши курашга масъулдирлар.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла посбони ижтимоий-сиёсий вазиятни бақарор сақлаш, жамоат тартибини ва аҳоли осойишталигини таъминлаш мақсадида яхши ният билан ташкил этилди. Энди ундан унумли фойдаланишимиз, қўллаг-қувватлашимиз лозим.

Шаҳар прокуратураси томонидан ўтган йилнинг 11 ойи давомида содир этилган жиноятлар мавжуд 63 та фуқаролар йиғини мисолида таҳлил қилиб чиқилди. Айрим фуқаролар йиғинларида, яъни «Саъдий», «Султон Жўра», «Му-стакиллик», 1,4,5,8 - сонли маҳалла фуқаролар йиғинларида баъзи жиноят турлари ўсганлиги маълум бўлди.

Бунга юқорида айтиб ўтилганидек, халқ посбонларидан унумли фойдаланилмаганлиги, хуқуқни муҳофаза қилиш

идоралари билан ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлиги, маҳалладаги вазият тўла ўрганилмаганлиги сабаб бўлган.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун прокуратура ходимлари иштирокида тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, бу соҳада фуқаролар йиғинларига амалий тавсиялар берилди.

Бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири бу вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларни тўғри йўлга бошлаш ва таълим-тарбия беришидир.

Президентимиз томонидан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши бежиз эмас. Келажакимиз бўлган ёшларни нафақат жисмонан, балки ақлан соғлом, етук, маънавий баркамол қилиб ўстириш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ота-оналар фарзандлари қаерда нима билан шуғулланаётганлигини, қим-лар билан мулоқот қиладиганлигини назорат қилиши лозим. Ёшларимизнинг каровсиз қолиши эса қутилмаган ташвишлар келтириб чиқаради.

Бунга мисоллар кўп: ота - она эътиборидан четда қолган Аҳмедов Шерзодбек 1999 йил 6 декабр куни кечки пайт Чўлпон шох кўчасида турган «Тико» русумли автомашина эшигини сих ёрдамда очиб, ўғирлик қиладиган вақтда ушланган.

Аҳмедов Шерзоднинг шахси ўрганилганда у мукаддам Асака шаҳар суди томонидан ўғирлик жинояти содир қилганлиги учун 5 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, 72-модда қўлланилган ҳолда жазо уч йилга кечиктирилганлиги аниқланди. Лекин у бундан тўғри хулоса чиқариб олмасдан яна қайта ўғирлик жиноятини содир этди.

Ота-онанинг бепарволиги ана шундай оқибатга олиб келди.
Вояга етмаганлардан яна бири Ота-

бек 2 марта ўғирлик қилишга улгурган. 5-синфдан саёқ юриб ўрганиб қолган, мактаб ўқитувчилари эса уни мактабга қайтариш учун бирон-бир чора кўришмаган, маҳалла бефарқ қараган. Оқибатда эса у жиноят кўчасига кирди.

Ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан яна бири бу гивёандликка қарши кураш масаласи бўлиб турибди.

Хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида гивёандлик билан боғлиқ бўлган жиноятларни фoш қилиш давом эттирилмоқда.

Шу кунгача 90 дан ортиқ шундай жиноят фoш этилиб, жиноятчиларнинг қонун олдида жавоб беришлари тўла таъминланмоқда.

Туркменистон Республикаси фуқароси Қиличев Тагандурди соф миқдори 0,6 грамм бўлган «героин» моддасини олиб кетаётганда ушланди.

Фуқаро Хусанов Тўйчибой ҳам 14 бўлакка қадоқланган кўп миқдордаги «героин» гивёандлик воситасини сотиш ниятида олиб кетаётганда ушланиб, қамоққа олинди.

Баёқзан шундай «оғу»ни тарқатишга аёллар ҳам кўп ураётганлиги ачинарли ҳолдир.

Андижон шаҳар Боғишамол даҳасидаги давлат автомобиль назорати масканида фуқаро Шахнозахон Мўминова келатган автомашина тўхтатилиб, унинг ёни кўздан кечирилганда, кўп миқдорда, яъни 7,5 грамм «героин» гивёандлик моддаси топилди.

Гивёандликка ружу қўйган шахсларнинг ҳаёти бевақт ўлим билан тугаши ҳеч кимга сир эмас. Гивёандлик воситаларини тарқатаётган шахслар ўзларининг қилмишлари билан қанчадан-қанча оилаларни барбод қилиб, неча-неча одамларнинг ёстиғини қуртагпти.

Шу ўринда ўз шахсий манфаатини қўзлаб, шундай ўта оғир жиноятга кўл ураётган шахслар эшитиб қўйсин. Хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари доимо хушёр. Барибир, бундай жиноятлар фoш этилади ва айбдор шахслар, албатта, қонун олдида жавоб беришарди.

Азизбек МАМАТХУЖАЕВ,
Андижон шаҳар прокурори
ўринбосари,
1-даражали юрист

ҲАР ТЎҒРИДА

ПОРАХЎРГА — ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Хитойнинг Цзян провинцияси судининг хуқуқига кўра мазкур провинциянинг губернатор ўринбосари Ху Чанцин 5 млн. юан (600 минг долларга яқин) миқдорда пора олганликда айбланиб, ўлим жазосига хукм этилди.

Тергов давомида Ху Чанцин 2 млн. юанга баҳоланган мол-мулкни қандай маблағлар ҳисобига ортирганлигини ҳам тушунтириб бера олмади. Суд ҳужжатларидан маълум бўлишича, айбланувчи пора олиб туриш билан бирга, бошқаларга ҳам берган. Масалан, бир мансабдорга «мансаб пиллапоисидан кўтарилишга ёрдамлашгани учун» 80 минг юан пулни пора сифатида берган.

Суд ҳукмига кўра олий мартабали порахўр олий жазога хукм этилиши билан бирга унинг мол-мулки ҳам давлат фойдасига мусодара қилинди.

БИР ЎПИЧГА —МАШИНА

Бор йўғи бир ўпич ҳада қилиш эвазига баҳоси 6 минг АҚШ доллари турадиган «Фиат» машинасига эга бўлиш мумкинми? Ҳа, мумкин экан, бунга Вильнюсда яшовчи Лигита Албужите исмли қизалоқ мисолида ишончи мумкин. У маҳаллий радиостанция томонидан «Ўпич кетил» деб номланган ўйинда иштирок этиб, кўп сонли рақибларини ортда қолдирди.

Мусобақа шарти эса қуйидагича эди: Мусобақанинг голибаси учун ажратилган машинага лаб текширган ҳолда қимда-қим узок вақт тура олса, биринчиликти ўша иштирокчи кўлга киритарди. Бу ишни ҳаммадан ҳам ошириб уддалаган Лигита ўзи ёқтирган «Фиат»ни 39 соату 36 дақиқа мобайнида лабларини узмаган ҳолда ўлиб турди.

БАЛАНД ПОШНАЛИ «ХАВФЛИ» ТУФЛИЛАР

Катталиги жиҳатидан Японияда иккинчи ўринда турувчи Осака шаҳар полицияси баланд пошнали туфлиларда аёлларнинг машина рулига ўтиришини қатъий таъқиқлаб қўйди. Сабаби, оёқда бундай туфли бўлган вақтда машина педалларини босиш бирмунча ноқулай ва бу кўнгилсиз ҳолларга ҳам олиб келиши мумкин. Шу нарсани айтиб ўтиш кераки, машина рулига ўтириш таъқиқланган «қора рўйхат»даги уй шиппаги, ёғочдан ишланган японча «чета» пофазал қаторидан эндиликда баланд пошнали туфли ҳам жой олди.



«БУХОРОДОИМАХСУЛОТЛАРИ»

АКЦИЯ ДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Халқимиз дастурхони учун ўзининг 34 турдаги юқори сифатли нон ва нон маҳсулотларини таклиф этади, чекланмаган миқдорда ун ва ун маҳсулотларини етказиб беради. Шунингдек, чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари учун тўйимли озуқалар етказиб беради.

МАНЗИЛИМИЗ : БУХОРО ШАҲРИ,
Т. ШЕВЧЕНКО КЎЧАСИ - 61 УЙ.

ТЕЛ: (8 - 365) - 225 - 72 - 80

«БУХОРОСУТ»

ҲИССА ДОРЛИК ЖАМИЯТИ

27 йиллик иш малакаларимиз маҳсули дастурхонингиз бегадир. Юқори сифатли ва мазали маҳсулотларимиз сизга мунтазир!

МАНЗИЛИМИЗ: БУХОРО ШАҲРИ,
КОҒОН ШОССЕСИ 20 «А» - УЙ

ТЕЛ : (8-365) - 223-06-21

Шабриклар

Хурматли Наргиза она!
Сизни 23 феврал туғилган кунингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Доимо соғ-омон бўлинг.

Укангиз Исомиддин, сингилларингиз Феруза ва Саида

Хурматли қизимиз Дилдора!
Сени 24 феврал туғилган кунинг билан самимий табриклаймиз. Сенга узоқ умр, порлоқ келажак, ўқишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлгин.

Аданг, аянг, опаларинг Дилноза, Шахноза, уканг Уллубек,
Тошкент шаҳри

Қадри тарбиячимиз Юнусова Милоҳат Алимжон қизи!

Таваллуд айёмингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Сизга узоқ умр, сихат-саломатлик тўқис оилавий бахт, ёш авлодин тарбиялашдек шарафли педагогик фаолиятингизга эзгу тилакларимиз пайваста, дил сўзларимиз гулдаста бўлсин.

С.Раҳимов туманидаги 65-болалар бочаси ота-оналари,
Тошкент шаҳри

Қизим Ашурова Вазирабегим!

Сени 25 феврал — туғилган кунинг билан табриклайман. Сенга бахт доим ҳамроҳ бўлсин!

Ашуров Саъдулло,
Бухоро шаҳри

Азиз укажоним Шерали Адизов!

Сени таваллуд кунинг билан чин юракдан оиламиз номидан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, сихат-саломатлик, келгуси ўқиш ва ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Доимо яхши кайфият ҳамроҳинг бўлсин, деб

опанг, Гули, аканг Алишер, уканг Низом,
Шофиркон тумани

Хурматли ойижонимиз Улуғой Аҳмедова!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сихат-саломатлик, ишларингизда каттадан-катта омадлар тилаймиз.

Шахноза, Феруза, Зафар,
Навоий шаҳри

Хурматли Тўлқин ота Бахромов!

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин. Етмишга етиб, саксондан сакраб, тўқсонда тўхтамай, юз билан юз кўришингизга тилақдошмиз. Умрингиз узоқ, тани-жонингиз соғ бўлсин.

Божангиз Мирҳамид ва Ҳалима,
Тошкент вилояти

Ширин қизимиз Нодира!

Сени 23 феврал таваллуд топган кунинг билан чин юракдан кутлаймиз. Доим сенга омад кулиб боксин.

Адажонинг, ойижонинг, синглинг Нозима, уканг Авазжон,
Тошкент шаҳри

Адлия майори Темиров Маъмуржон Илиновичи туғилган куни билан чин юракдан бутун жамоа номидан табриклаймиз.

Республика ҳарбий прокуратураси жамоаси

Адлия капитани Муталиев Юнус Маматкаримовичи туғилган куни билан бутун жамоа номидан чин юракдан табриклаймиз.

Республика ҳарбий прокуратураси жамоаси

ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИ

ШАРЛОТТА ЧЁРЧ

Бор-йўғи 13 ёшга тўлган Шарлотта Чёрч биринчи марта телешоу мусобақасида қатнашибок жаҳон суперюлдузига айланди.

Ҳа, эндиликда унинг номи Элтон Жон, Селин Дион, Пласидо Доминго сингари юлдузлар қаторида тилга олинмоқда. У саҳнага ҳар бир чиқиши учун юз минг долларлар ҳақ олаётган. Икки миллион нусхада чиқарилган унинг биринчи албоми ҳам тезлик билан сотилиб кетди. Шарлотта 1999 йилда қиролчица Елизавета II нинг ўғли шаҳзода Чарлзнинг 50 ёшга тўлиши тантаналари билан ўтказилган концертда, Рим папаси Ионн Павел II нинг шахсий илтимосига кўра Ватиканга ҳамда АҚШ президентининг таклифига биноан Вашингтонга ташриф буюриб у ерларда ҳам ажойиб чиқишлар қилди.

Ҳўш, Уэлс пойтахти — Кардиффда яшовчи, бундан уч йил илгари номи маъбуот кўрмаган бу қизалоқ нега бунчалик тез суръатда жаҳонга танилди. Бунчалар шухратни унга ким инъом этди?

Аслида ҳаммаси 1997 йилнинг августидан бошланганди. Ушанда Шарлотта «Алло, биз иқтидорларни излаяпмиз!» маҳаллий телешоусида қатнашиб, оммавий черков ашулаларидан бир неча куплет ижро этганди. Унинг хонишини ашитган лондонлик импресарио Жонатан Шалит ўша заҳотийёқ қизчани пойтахтга чақиртирди ва уни «Sony» фирмасининг Британиядаги бўлими президенти Пол Бергер хузурига бошлаб борди. Ёшгина қизалоқнинг бутун вужуди билан берилиб кўшиқ айтишига, бу турдаги кўшиқчиликда давом этиб келган анъанани чил-парчин этганлигига тамомилан маҳлиё бўлган ишбилармон шу ернинг ўзидаёқ 11 ёшли қизалоқ билан бир қанча альбомлар чиқариш тўғрисида йирик шартнома тузди. Орадан бир неча ой ўтиб Шарлоттанинг биринчи албоми — «Фаришта овози» дунёга келди ва ундаги биринчи кўшиқ «Аве, Мария» деб бошланганди.

Орадан бир неча кун ўтгач, мумтоз кўшиқлар бўйича Британия хит-




парадидан Шарлоттанинг кўшиғи ҳам жой олди ва у ижро этган ашулалардан бештаси мамлакатдаги энг оммавий кўшиқлар қаторига киритилди. Шундан сўнг, унинг «Лардина»дан ишланган 600 мингга компак диски ҳам қисқа вақт ичида сотилиб кетди. Шу пайтгача бундай муваффақият Англияда ҳеч бир юлдузга насиб қилмаганди.

Ўша йили ноябр ойининг охирида қизалоқ янги албомини ёзиб тугатди. Уни оддийгина қилиб «Шарлотта Чёрч» деб номлади. Мазкур албомдаги мусикалар жуда кўп етакчи созандаларнинг орзуси бўлган Лондон симфоник оркестри томонидан ижро этилган.

Шундай қилиб Шарлотта номи яшин тезлигида оммавийлашиб кетди. Бугунги кунда уни АҚШ ва Австралияда, Янги Зеландия, Японияда ҳамда Жанубий Африка Республикаларида жуда яхши танишади ва унинг кўшиқларини севиб тинглашади.

Ҳозирда маълум бўлишича Шарлотта онаси Мария билан биргаликда шу пайтгача ҳамкорликда ишлаб келган импресарио Шалит билан алоқани узди. — Бунинг сабаби, ҳамма муаммо пулга бориб тақалганлигидан, деб ҳисоблайди Шалит. Ёш кўшиқчи ва унинг онаси тушаётган фойданинг 20 фоиздан ортинчи унга беришни истамаётгани.

Ш.ЙЎЛДШЕВ таржимаси



Соф галаба!

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

Бемор табига:
— Таксир, йўғалим қолди, бироқ, нафас сиқиш қолгани йўқ.
— Қўрқманг, тез кунда нафасингиз ҳам тўхтайд.

Эр эр талаб вақтлироқ туриб, балиқ овига отланибди. Аммо кўчага чиқса, об-ҳаво ёмон, совуқ. Эр овга боришдан айниб, уйга қайтибди, ечиниб, хотинининг ёнига кириб ётибди-да, дебди:
— Бугун ҳаво жуда совуқ. Изгирин.

Хотини эса:
— Тентак эрим бўлса, шу ҳавода балиқ овига кетди.

— Манави одам мени «эшак», деди.
— Эхтимол, ғазаб ичида оғиздан чиқиб кетгандир.
— Йўқ, буни айтишдан олдин қиққат билан мени кўздан кечириб чиқди.

— Жуда ўзгариб кетибсиз-ку, Жўра ака.. Илгари пакана, семиз, кал эдингиз. Ҳозир бўйдор, хигча, жингалаксоч...
— Кечирасиз, сиз адашаяпсиз. Мен Жўра ака эмасман.
— Ие, исмингиз ҳам ўзгартирдингизми?

СОВРИНАИ КРОССВОРД

Дурбек САДИРОВ Тошкент шаҳридаги Садриддин Айний номи 84-ўрта мактабининг 7 «А» синфида ўқийди. Дурбек барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан биргаликда, беш вақтларидан турли хил қизиқарли машғулотлар, жумладан бошқотирмаларни ечиш ва тузиш билан ҳам шугулланади. Дурбек кўйидаги тузган кроссвордини таҳририятимизга тақдим этиб, ушбу бошқотирмани тўри ҳал қилган муштарий учун 2000 сўм ажратди.



	1	2	3		
4				5	
	6	7	8		
9	10			11	12
			13		
14		15		16	
		17			
18	19		ЮТУҚ	20	21
			2000		
22	23		СЎМ	24	25
			26	27	
28				29	
			30		
31		32		33	
34		35	36	37	
			38		

Бўйига: 2. Инглиз тилида ноаниқ артикл. 3. Афсонавий дақтиллар қабиласи яшаган Фригиядаги тоғ. 6. Қадимги Миср мифологиясида кўёш худоси, барча илоҳлар подшоҳи. 8. Тожкистондаги ГЭС. 8. Немис физиги. 10. Усимликда ҳам, одамда ҳам бор. 12. Тўп, замбарак ўрнатиладиган дастгоҳ. 15. Ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири, ҳажвичи. 16. Курол-яроғ омбори. 19. Боғловчи ва бириктирувчи сўزلардан бири. 21. Бокс «қироли». 23. Чолғу асбоби. 25. Ўзбек миллий тўйларидаги маросимлардан бири. 27. Юнон манбаларида Амударё номи. 32. Ҳушбўй хид таратмоқ. 33. Самолёт тури. 35. Вертолёт русуми. 36. Мусқийнота.

Энига: 1. Геродотнинг машҳур асари. 4. Сув ҳолати. 5. «Авесто»даги уруғ жамоаси атамаси. 9. Европадаги ҳаракатдаги вулкон. 11. Ёзув машинкасини биринчи бўлиб ихтиро қилган олим. 13. Мезозой эрасининг учинчи даври. 14. Омма, жамоат. 16. Парашок тури. 17. Ўзбекистондаги ўзбек-турк фирмаси. 18. Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашларини ифодаловчи афсона. 20. Жабр, зулм. 22. Сахий, меҳрибон. 24. Амухтаб Бачан рол ижро этган ҳинд фильми. 26. Вақтинча олинандиган нарсага тўланадиган ҳақ. 28. Қозоқ шоири. 29. Қадимги Грек чолғу асбоби. 30. Қорақалпоғистондаги қадимий қалъалардан бири. 31. Қадимги Қорлуқлар давлатида шох атамаси. 33. Хиндларнинг «Рамаяна» достонида Ланка шаҳридаги боғ. 34. Ривоятга кўра савр буржи пайгамбари. 37. Ал Хоразмий асари. 38. Юнонларда шайтон.

Ўтган сонда берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 1.«Томоғавик». 4.«Нюкя». 6.«Жордаше». 9.Ис. 10.До. 11.Остона. 13.Пеле. 14.«Роман». 15.Лифт. 17.Кун. 19.Арава. 20.Кашмир. 23.НАТО. 25.«Ўфк». 26.«Желеть». 28.Упла. 30.Лондон. 31.Корачик. 33.Арбитр. 35.Сун. 38.Арктика. 40.Аср. 42.Кусто. 46.Ишора. 47.Елка. 49.Намибия. 52.«Ниссан». 53.Асал. 54.Олам. 55.Нигора.

Бўйига: 1.«Тошиба». 2.Варрак. 3.Кишимш. 4.Ноҳун. 5.Инс. 6.Жун. 8.Ереван. 11.От. 12.«Тик». 16.Лақа. 18.Нурота. 21.Алп. 22.Иблис. 24.Арофат. 26.Жар. 27.Турна. 32.Ирим. 33.Анджон. 34.Белорус. 36.Ой. 37.Маства. 40.Редо. 43.Самбо. 44.Онега. 45.Амал. 48.Рабанн. 50.Жин. 51.«Омо».

Сиз кўйидаги купони тўлазиб, қирқилган ҳолда таҳририятимизга йўлласангиз, кифоя. Табрик, қўтловлар ва олди-сонди ёки бошқа турдаги эълонингиз газетамизда чоп этилади.
Эслатма: № белгиси қўйилган жойни очиқ қолдиринг.

БЕПУЛ ЭЪЛОНЛАР КУПОНИ		№
МАТН		
ИСОМИ ШАРИФИНГИЗ		
МАЧЪВИЛ		
МАТН ҲАЖМИ 30 СЎЗДАН ОШМАСЛИГИ ЛОЗИМ. КУПОН ФАКАТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.		